

УДК: 37.015.3

ОТА-ОНА ВА ВОЯГА ЕТМАГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТ: ОИЛА, ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМКОРЛИГИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Шоназаров Жамол Умирзоқович

Халқаро инновацион университети “Педагогика ва жисмоний маданият”

кафедраси катта ўқитувчиси

email: Shonazarov77@mail.ru

Эргашева Анбар Шаймардан қизи

Халқаро инновацион университети “Педагогика ва жисмоний маданият”

кафедраси ўқитувчиси

email: anbaraergasheva@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада оила тарбияси, ўсмирлар психологияси, фарзанд тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги ҳамда ёшлар тарбиясида салбий таъсирларнинг оқибатлари келтириб ўтилган. Шунингдек, вояга етмаган ёшлар, тарбияси қийин болалар, носоғлом оилалардаги муҳит, оилавий низолар билан боғлиқ муаммолар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари, тарбияга инновацион ёндашув масалалари баён этилган.

Калит сўзлар: Оила, ота-она, фарзанд тарбияси, носоғлом ва нотўлиқ оила, вояга етмаган ёшлар, оилавий низо, ажрим, таълим-тарбия тизими, салбий муҳит, ўсмирлар, ҳамкорлик, жамият.

Аннотация: В данной статье упоминаются семейное воспитание, подростковая психология, сотрудничество семьи, школы и общества в воспитании детей и последствия негативных влияний в воспитании молодежи.

Также описываются вопросы, связанные с несовершеннолетними, детьми с трудным воспитанием, экологией в нездоровых семьях, проблемы, связанные с семейными конфликтами, и меры по их предупреждению.

Ключевые слова: Семья, родители, воспитание детей, нездоровая и неблагополучная семья, несовершеннолетние, семейный конфликт, сепарация, система воспитания, негативная среда, подростки, сотрудничество, общество.

Abstract: In this article, family education, adolescent psychology, family, school and community cooperation in child education and the consequences of negative influences in youth education are mentioned. Issues related to minors, children with difficult upbringing, environment in unhealthy families, problems related to family conflicts and measures to prevent them are also described.

Keywords: Family, parents, child rearing, unhealthy and dysfunctional family, minors, family conflict, separation, educational system, negative environment, teenagers, cooperation, society.

Эртанги куннинг эгалари бўлмиш ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш бугунги куннинг устувор вазибаларидан саналади. Шу маънода, бугунги кунда мамлакатимизда аҳолимизнинг 40%ни ташкил этадиган 18 ёшгача бўлган ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътиборни жалб этиш, мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш ва вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ҳар бир ёш авлод аввало оила бағрида униб-ўсади, шахс сифатида шаклланади. Оиладаги таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий қадриятлар кейинчалик одамлар орасида - маҳалла-қўйда, таълим муассасаларида сайқал топади. Шундай экан, ватанимиз ва халқимизнинг эртанги кунини, жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-

этиборини белгиловчи баркамол авлодни вояга етказишдек улуғ вазифани оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигисиз ҳал этиб бўлмайди десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Маълумки, жамиятда оила қуриш балоғатга етган ҳар бир йигит-қиз учун ҳаётий зарурият бўлиб, уларнинг ўзаро аҳду-паймони асосидаги ижтимоий бирлик сифатида намоён бўлади. Oilанинг мустаҳкамлиги оила аъзоларининг тотувлиги, эр-хотиннинг оила юритиш кўникма ва малакаларига эгалик даражасига боғлиқ. Тарбиянинг асосий тизими оила - бола тарбияси ва унинг камолотида энг муҳим тарбия учоғидир. Оила қуриш фақат эр-хотинлик эмас, балки ота-оналик масъулиятини ҳис этишдир. Оилага тайёргарлик ўз-ўзидан вужудга келмайди. Унга хос тайёргарлик, ижодий изланиш ва ҳаётий кўникмага эга бўлишни талаб этилади. Оила инсоннинг илк болалигидан бошлаб онгида шаклланадиган барча инсоний фазилатлар, эзгу ниятлар, қадриятлар такомил топадиган ва соғлом эътиқодлар шаклланадиган муқаддас даргоҳ. Бу муқаддас даргоҳда маънавий-ахлоқий муҳитни вужудга келтириш ва у орқали шахсни соғлом эътиқодли, янгича фикрлайдиган, комил инсон қилиб тарбиялаш бугунги ислоҳотлар даврида мамлакатимиз учун давлат аҳамиятига молик масаладир, лекин жамиятимизда ижобий ишлар қаторида тарбия тизимидаги камчиликларни ҳам эътироф этиш жоизки, бу ҳолатлар фарзандларимиз тарбиясига, шаклланишига салбий таъсир ўтказиб, уларнинг қаровсиз ҳолига тушиб қолишига, тарбияси бузилишига, қолаверса жиноятларга қўшилиб кетишига ҳам олиб келяпти. Айниқса, носоғлом oilаларнинг вужудга келиши оқибатида вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган воқеалар жуда ачинарлидир.

Оилада низоли муносабатларнинг вужудга келиши муаммолар ечими билан боғлиқ бўлиб, асосан эр-хотиннинг келишмовчиликлари туфайли ажралиш бола қалбини жароҳатловчи омил бўлади. “Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунё қарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар-яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори ўша шароитида қарор топиши табиийдир”.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб- ҳунар таълими тизимида ўқувчиларга маънавий асослари, педагогика ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга оид берилаётган билим ва кўникмалар, турли хил тўғарак ишлари, танловлар ҳамда семинар-тренинглар, болаларда нафақат маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий дунёқараш, шу билан бирга танлаган касби йўналишига оид маданият эгаси бўлиш имкониятларини яратмоқда. Аммо биргина оила ва тарбия муассасаси ўртасидаги изчил ва мақсадли алоқани талаблар даражасида эмаслиги болаларнинг носоғлом муҳитга тушиб қолишига ва боланинг онги шуурига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Ўқувчи-ёшлар билан ўтказилган суҳбатларимиз, уларнинг oilалари билан бўлган учрашув таассуротлари шуни кўрсатадики, болаларни мактабдан ва ўрта махсус таълим тизимидан бешиб, педагогик қаровсиз ҳолига тушиб қолишига, ота-оналар ҳам сабабчи бўлишмоқда. Суҳбат жараёнида шу нарсалар маълум бўлдики, ўсмир болаларнинг 70 фоиздан ортиғи ота-онасини бири-бири билан келиша олмаганлиги, oilада носоғлом муҳитнинг ҳуқумронлик қилишлиги, онасига қўшиб фарзандларини ҳам таҳқирланиши, ичкилик оталарни муқим иш фаолият йўқлиги боис кўпроқ бекорчи бўлиб қолиши, oilадаги етишмовчиликлар, боланинг руҳиятига ўз таъсирини кўрсатган. Натижада болалар ўз уйларида бешиб, қаровсиз ҳолига тушиб қолишган. Ота-онанинг ажралиб кетиши нотўлиқ oilани вужудга келтирган.

Оилада меҳр топмай қаровсиз қолган вояга етмаганлар озгина бўлсада ўзига бўлган этиборни атроф-муҳитдан қидира бошлайди. Айнан мана шу шароитда аксарият болалар салбий муҳит таъсирига тушиб қолишади. Бола дастлаб чекишга, сўнг ичишга жалб этилади. Шу икки нарсага бўлган мойилликнинг шаклланиши дастлаб болани ўғрилиқ қилишга ва бошқа шу каби жиноятлар содир этишда туртки бўлади.

Таълим муассасасидан сунъий равишда узилиб қолган ёшлар ўзларини муайян жамоанинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис эта олмайдилар. Қолаверса, ёлғончилик, панд бериш, ваъда бериб бажармаслик, сурбетлик, агрессивлик каби салбий хислатларга йўл очилади. Оилада ота-онани,

Ўқиш жойида тарбиячи ёки мураббийни алдаб юрган ёшлар билан ўтказган суҳбатларимизда “Ўқишга қизиқмадим”, “фалончи билан уришиб қолдим”, “соғлигим бўлмади”, “қариндошимизникига кетган эдим”, “иш излаб юрган эдим” каби турли хил баҳоналарни рўқач қилишди. Аксарият ўқишга бормай юрган болалар нотўлиқ оиладан чиққан бўлиб, отаси йўқ, ўғай ота ёки ўғай онанинг қўлида бўлиб, педагогик қоровсизлик оқибатида саёқ юришни одат қилиб, ҳатто айримлари майда ўғриликлар билан қўлга тушган ҳоллари аниқланди.

Яхши ўқимагани, сурункунали дарс қолдириб, ўқув муассасасидан узилиб қолган вояга етмаганлар орасида кўп ҳолларда хулқий бузилишлар: ёмон йўлга кириб кетиш, диний оқимлар аъзоси бўлиши, спиртли ичимликлар, гиёҳвандликка ружу қўйиш, ўғирлик ва майда безорилик ҳолатлари содир этилмоқда. Шу ўринда энг асосий айбдор оила бўлиб, ота-онанинг ўзаро келишмовчилиги, оиладаги етишмовчиликлар, ўғайчиликнинг таъсири, отаси ёки онанинг ичкиликка мойиллиги оқибатида бегуноҳ бола тарбиясини бузилишига олиб келганлиги маълум бўлди.

Ўсмир ёшларнинг таълим жараёнларидан узилиши ҳамда уларнинг ота-оналар ва жамоат назоратидан четда қолиши ўқувчиларни қонунбузарликка ундайди ва гиёҳвандликка берилиш каби салбий ҳатоларнинг келиб чиқиши учун имконият яратади. Натижада ўқувчи учун келажак режаларнинг паймол бўлиш хавфи туғилиб, ўқишдан ва жамоадан юз ўгирган ўсмир ўз келажagini, орзу-умидларини мактаб ва тенгдошлари фаолиятларига бағишлашдан кўра нотўқис давралардан орттирган “дўстлари” билан алоқа ўрнатишни афзал кўради ва бошқа кишилардан «нажот» излайди, ўзига “маслакдош” гуруҳларга интилиши натижасида у носоғлом хулқли болалар тўдасига тушиб қолгач, уларга мослашади. Вояга етмаган назоратсиз ва қаровсиз ўқувчиларнинг асосий қисми ўсмирлардан иборатлигини ҳисобга олиб улар билан ишлаш жараёнида ўсмирлик даври психологиясини яхши тушунишимиз ва улар билан муносабатларни тўғри йўлга қўйишимиз мақсадга мувофиқдир. Шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, жуда кўп ҳолларда экстремистик оқимлар қўлига тушиб, ёки уларнинг таъсирига берилиб, бир гап билан айтганда маънавиятида бўшлиқ пайдо бўлиб қолган ёшлар, айнан мана шу гуруҳлар фаолияти билан боғлиқлигини кўрсатди. Бундай фожиали, аламли кунларни билиб-билмай бошидан ўтказган ёшлар, Президентимизнинг авф этиш ҳақидаги фикр – мулоҳазаларидан сўнг соғлом ҳаёт тарзини қайтадан тиклаш имкониятига эга бўлишди. Демак, тарбияда, шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфасини шаклланишида мутлақо бўшлиқ бўлмаслиги лозим.

Вояга етмаганлар ва ёшларнинг таълим жараёнларидан узилиши ҳамда уларнинг ота-оналар ва жамоат назоратидан четда қолишининг дастлабки кўринишларида боланинг хулқ-атворида оид қуйидаги ҳолатлар: тўғри саломлашишни билмайдиган, олифта, сақич чайнайдиган, тўғри келган жойга туфлайдиган, телефон ўйнайдиган, ҳар хил кийимда юрадиган, ўзига эътибор талаб, дарсга кечикиб келадиган, ўқитувчига гап қайтарадиган, уришқоқ, уйига ҳам кеч келадиган, кўча – кўйда санғиб юрадиган, ўйинқароқ, бир оз ёлғончи, дарсда бошқаларга халақит берадиган, дарсга тайёрланиб келмайдиган, тарбиявий тадбирлардан кетиб қоладиган, берилган жамоат топшириқларини кўнгилдагидек бажармайдиган, аммо лидерликни хоҳловчи, уजार, ноодатий ҳаракатлар қиладиган, эркинликни хоҳловчи ва бошқаларни ҳам шунга даъват этувчи, хулқига оид камчиликларни тан олсада уни ислоҳ этмайдиган, жамоада ўзининг муносиб ўрнига эга бўла олмаган, чекиш ва ичишга мойиллиги бор ёшлар саналади. Бундай ёшларни тарбиялаш тизимида кўриб ўтилган нуқсонларнинг олди олинмаса, яъни якка тартибдаги тарбиявий ишлар олиб борилмаса, ахлоқ бузарликнинг, яъни девиант хулқ – атворни келиб чиқишига йўл очилади. Бу тоифага кирувчи ўқувчиларни ҳозирча тўлақонли “назоратсиз” ёки “қаровсиз” деб бўлмайди. Қолаверса, юқорида кўриб ўтилган хусусиятларни битта болага эмас, балки бир нечта болага хос деб қабул қилиш лозим.

Шундай экан, бу ёш даври айна пайтда бола ҳисобланиб, мустақил фикри, билими, ҳаёт тажрибаси ҳам шаклланиш босқичида эканлиги назарда тутилади. Хулқ – атвори педагогик – психологик назоратни талаб этадиган ўқувчилар тоифасини тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали назоратсизлик ва қаровсизликдан қайтариб қолиш мумкин.

Вояга етмаган ёшларни Ватанга садоқат, келажакка ишонч, миллий қадриятларимиз ва ўзлигимизни англаш, уларда ватанпарварлик, миллий ғурур, миллий мафкура, фидойилик фазилатларини шакллантириш, оила, маҳалла, мактаб, ҳудудни муҳофаза қилувчи идоралар, «Ёшлар ишлари агентлиги», ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар иши комиссияси, Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигида ишларни ташкил қилиш борасида ҳукуматимиз томонидан аниқ вазифалар белгилаб берилган. Хулоса қилиб айтганда ўсмирлар ўртасида низоларни келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш чоратadbирларини ишлаб чиқиш ота-она, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги, қолаверса юқорида келтирилган таълим-тарбия тизимида фаолият юритаётган кенг жамоатчилик олдида турган муҳим ва устувор вазифалардан бири саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1 Мунавваров А.Қ. Оила психологияси. Т.: “Ўқитувчи”, 1997 йил. 65 бет
2. Давлетшин М.Г. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология: ўқув методик қўлланма. Т., 2004 йил, 43 бет.
3. Шоназаров Ж.У. Ёшларнинг таълим жараёнидан узилиши ва назоратдан четда қолишининг муаммоли масалалари. “Инновацион технологиялар” илмий-оммабоп журнал. 2018 йил №4 (32) 76-80 бетлар.
4. Умаров Б.М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари. Монография. “Фан” нашриёти, 2008 йил. 179 бет.